

**1867-1917 ЙИЛЛАРГА ОИД АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ЭТНОГРАФИК
МАЪЛУМОТЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ**

Anvar Soatovich Shosaidov

Тадқиқотчи, ўқитувчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

E-mail: anvar.shosaidov1988@gmail.com

Аннотация: Мақолада 1867-1917 йилларга оид Ўзбекистон республикаси “Миллий архивида” сақланаётган Марказий Осиё халқларига оид этнографик маълумотларнинг акс этиши ўрганилади. Шунингдек архив ҳужжатларида Марказий Осиё халқлариниг этнотарихий жараёнлари очиб берилган.

Калим сўзлар: Марказий Осиё, Миллий архив, Туркистан, вақф ҳужжатлари, қушибеги.

REFLECTION OF ETHNOGRAPHIC DATA OF CENTRAL ASIAN PEOPLE IN ARCHIVE DOCUMENTS FROM 1867-1917

Anvar Soatovich Shosaidov

Teacher,

Tashkent State University of Oriental Studies

E-mail: anvar.shosaidov1988@gmail.com

Abstract: The article examines the reflection of ethnographic information about the peoples of Central Asia stored in the “National Archive” of the Republic of Uzbekistan for the years 1867-1917. Also, the ethnohistorical processes of the peoples of Central Asia are revealed in the archival documents.

Keywords: Central Asia, National Archives, Turkestan, foundation documents, Qushbegi.

ОТРАЖЕНИЕ ЭТНОГРАФИЧЕСКИХ ДАННЫХ НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ В АРХИВНЫХ ДОКУМЕНТАХ 1867-1917 ГГ

Анвар Соатович Шосаидов

преподаватель,

Ташкентский государственный университет востоковедения

E-mail: anvar.shosaidov1988@gmail.com

Аннотация: В статье рассматривается отражение этнографических сведений о народах Средней Азии, хранящихся в «Национальном архиве» Республики Узбекистан за 1867-1917 годы. Также в архивных документах раскрываются этноисторические процессы народов Средней Азии.

Ключевые слова: Средняя Азия, Национальный архив, Туркестан, учредительные документы, Кушбеги.

КИРИШ.

Ўрта асрлар охирлариға келиб сиёсий жиҳатдан бир неча сиёсий уюшмалар – хонликлар ва бекликларга бўлинниб кетган Туркистон замини кейинчалик ана шу бўлинишларнинг оқибати ўлароқ бир қатор ижтимоий-сисий ва этномаданий жараёнларга гувоҳ бўлди. Айниқса, Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, қозоқ хонликлари ва жузлари ва ҳ.к.лар кейинчалик мазкур ҳудудларда анъанавий қадриятларнинг ўзгаришга учрашига сабаб бўлди. Бу ҳолат ўша даврда мазкур хонликлар ҳудудида яратилган ҳужжатларда ҳам ўз тасдиғини топган.

Ушбу хонликлар даврида ёзилган ҳужжатлар ўша пайтдаёқ маҳсус биноларда – қушбеги ва девонбеги қароргоҳларида, саройлар ва девонхоналарда, қози ва турли диний-маъмурий идораларда сақланиб келган. Кейинчалиқ, яъни Туркистон Чор Россияси томонидан босиб олингач, мазкур архивлар янги истилочи маъмурлар томонидан тўплана бошлаган.

Ушбу мақолани ёзишда: Тарихий хронологик, қиёсий таққослашва тарихий ҳужжатлар билан ишлаш усулларидан фойдаланилди.

АСОСИЙ ҚИСМ.

Октябрь тўнтаришлардан сўнг архив ишилари ривожланиши бироз секинлашди. Маълумки, Марказий Осиё ҳудуди қадим тарихга эга бўлиб, маданий цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланади. Марказий Осиёнинг тарихий маданий меросга бойлиги, аждодларимиздан қолган асори – атиқалар XX аср бошларида дунё ҳамжамиятида ном чиқарган тарихчи олимларнинг дикқат марказида бўлди. 1873 йил 5 октябрьда А. Кун Туркистон генерал – губернатори фон Кауфманга хат жўнатиб, ўлкадаги архив ҳужжатлари жуда қимматлигини такидлайди¹. Октябрь воқеаларига қадар ҳам архив ҳужжатлари билан ишлаш ундаги маҳаллий аҳолининг тарихи, ўтмиши билан боғлиқ бўлган жуда кўп маълумотларни ўрганиш давом этган эди².

Бизга маълумки, араб босқини даврида, Сўғд ҳукмдорлардан бўлмиш Деваштичнинг VIII асрда ҳам архив ҳужжатлари мавжуд бўлган. Ушбу ҳужжат бизга қадар етиб келган бўлиб, ушбу даврнинг ўрганувчи тарихчилар томонидан изчил ўрганилган³. X асрда Бухорода Сомонийлар ҳукмронлиги даврда ҳам девонга тегишли ҳужжатлар, қўлёзмалар ва қимматбаҳо пул бирликлари билан биргаликда ғазнада сақланган⁴.

XIII асрда мўғулларнинг босқини билан алоқадор девон ҳужжатлари ҳам бизнинг даврга қадар қисман етиб келган.

Таъкидлаш жоизки, хонликлар давридаги бекликлар, амлоклар ва бошқалар орасидаги маъмурий ёзишмаларга алоқадор архив

¹ ЎзР МА. И-125 фонд, 2-рўйхат, 138-йиғма жилд, 195 варақ.

² ЎзР МА. И 125-фонд, 2-рўйхат, 4-йиғма жилд, 29-варақ.

³ ЎзР МА. И 126-фонд, 2-рўйхат, 1885-йиғма жилд, 77-варақ.

⁴ ЎзР МА. И 126-фонд, 2-рўйхат, 1881-йиғма жилд, 1-варақ.

хужжатлари Туркистанда ўз ҳокимиятини ўрнатган Чор Россияси маъмурлари томонидан тўплана бошлаган⁵.

Хар бир ҳужжатга жавобгар маъсул шахс, яъни девон мирзоси томонидан имзосини қўйилгандан сўнг амирлик муҳри қўйилган. Кўп ҳолларда жўнатиладиган ҳужжатлар рақамланмаган⁶.

Бундай ҳужжатлар рўйхатга ҳам киритилмаганидек, нусха олиш анъанаси ҳам мавжуд бўлмаган. Қабул қилинган ҳужжатларнинг аксарияти маълум вақтга қадар сақланган. Беихтиёрий равишда девондаги ҳужжатлар иш юритувчи томонидан сақлаб қолинган⁷.

Ушбу мавзууни ёритиш мобайнида Бухоро қушбегиси ҳужжатлари, Хива ҳамда Кўқон хонлигининг архив ҳужжатлари, вақфномалар, ижтмоий-сиёсий аҳамиятга эга ҳужжатлардаги қизиқарли маълумотлар ҳар бир тадқиқотчини ўзига жалб қила олишига гувоҳ бўлдик⁸.

Чор Россиясининг Ўрта Осиёга тијорат баҳонасида, эзотика излаб келган сайёҳлари, шарқшунослари Бухоро ва Хива шаҳарларида бўлиб, Осиё музейи учун XII-XIII асрлар тарихидан ҳикоя қилувчи ноёб қўлёзма ва босма китобларни қўлга киритадилар. Масалан, петербурглик шарқшунос олим А. Н. Самойлович 1902, 1906, 1908 ва 1916 йиллари Туркистонга сафар қилиб, қўпгина қўлёзма китоблар, этнографик ёдгорликлар ва қимматбаҳо тангаларни ўз ватанига олиб кетади. Рус Шарқшуносларидан яна бири В.А. Иванов 1915-1916 йилларда Бухорода икки маротаба бўлиб, 1057 жилдан иборат араб, форс-тожик ва туркий тилларда ёзилган нодир китобларни Петербургдаги Осиё музейига олиб бориб топширади.

⁵ ЎзР МА. И 126-фонд, 2-рўйхат, 1885-йиғма жилд, 71-варақ.

⁶ ЎзР МА. И 125-фонд, 2-рўйхат, 4-йиғма жилд, 29-варақ.

⁷ ЎзР МА. И 20-фонд, 20-рўйхат, 6785-йиғма жилд, 2-варақ.

⁸ ЎзР МА. И 1009-фонд, 1-рўйхат, 67-йиғма жилд, 29-варақ.

Хонлик ва амирликка оид ёрлиқлар турли маҳаллий аҳоли томонидан шикоятлар, ер тақсимоти борасидаги ёзишмалар нуфузли шахсларда бўлган ёки улар ихтиёрига бериб қўйилган. Кўчирмаси девонда сақланган. Ушбу ҳужжатлар яна этнографик маълумотларнинг акс этиши кузатиш мумкин. В.Л.Вяткинни маълумотларига қараганда “ғазнада ёзишмалар билан боғлиқ ҳужжатлар кўп бўлмаган. Баъзи ҳужжатлар қози олдида оғзаки ечимини топган. Мухим деб ҳисобланган оила никоҳ шартномалари, ерни сотиш ёки сотиб олиш, мерос билан боғлиқ ҳужжатлар эса кўп ҳолларда учрайди ва улар албатта рўйхатга олинган”.

Даставвал 1832 йилда Бухорода бўлган «Ост-Шерил» компаниясининг вакили А. Бернс томонидан унинг дастлабки қўлёзма нусхаси олиб кетилди. Сўнгра 1841 йилда Россиядан Бухоро хонлигига юборилган К. Бушеев бошлиқ миссиянинг иттифоқчиси Н. Хаников, 1858 йилда Хива ва Бухоро шаҳарларида бўлган Н. Игнатьев миссиясининг аъзоси шарқшунос П. Лере томонидан «Бухоро тарихи» китобининг тўртта қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургга олиб кетилади.

Хива хонлигининг архив ҳужжатлари кўп қисми рус мансабдорлари ва олдин хонлик хизматида бўлган амалдорлар қўлида сақланган. Кейинчалик эса маҳаллий аҳолининг қўлида сақланиб қолган қимматбаҳо архив ҳужжатлари музейлар экспонатларига ва кутубхоналарга топширилган. Маълум қисми эса мўмайгина даромад учун чет эл фуқароларига сотиб юборилган. Ушбу шахслар эса ўзларининг кутубхоналарини бойитишган⁹.

Архив ҳужжатлари билан боғлиқ қимматбаҳо қийматга эга бўлган воқеа ҳодисалардан маълумот берувчи маълумотлар йиғилган

⁹ ЎзР МА. И 1-фонд, 20-рўйхат, 6785-йигма жилд, 29-варак.

кутубхона ҳам мавжуд бўлган. Кутубхонада ҳаттоқи Қадимги Хоразмга талуқли қўлёзмалар ҳам бўлган. Бухорда XV асрларда шайх Муҳаммад Порсо томонидан ташкил этилган кутубхона фаолият юритган¹⁰.

Бухородаги иккинчи кутубхона эса XVII асрда аштархоний хонларидан бўлган Субҳонқулихон томонидан ташкил этилган. Кўпгина ҳужжатлар Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳар мадрасаларида ҳам сақланган. Хива хони, Кўқон хони ва Бухоро амирларнинг шахсий кутубхоналарида қадимдан сақланган қўлёзмалар сақланган.

“Туркестанские ведомости” маълумотларига муофиқ 1873 йилда Хива хонлигига рус қўшинларининг юришда иштирок этган шарқшунос олимлардан А.Л. Кун хонликда сақланиб келган 300 га яқин шарқ қўлёзмаларини, турли хилдаги ҳужжатларни, хонликнинг даромад кирди-чиқдиси дафтари ҳужжатларини, дипломатик алоқалар билан боғлиқ ҳужжатларни, вакф ва мулк билан боғлиқ қимматбаҳо маълумотлар келтирилган ҳужжатларни Подшоҳ ҳукумати фойдасига мусодара қилишда иштирок этади. Архив ва кутубхоналарни кўздан кечириб улардаги ҳужжатларни Россия фанлар Академиясининг Осиё музейига, қолганларини эса Туркистоннинг генерал - губернатори фон Кауфман императорга ошкора сақланадиган Санкт – Петербург кутубхонасига совға қилди¹¹.

1936 йил шарқшунос П.И.Иванов Салтыков – Шедрин номидаги давлат кутубхонасида қўлёзмаларни таржима қилаётган пайтда, ўзбек тилидаги Хива хонлиги архив ҳужжатига тегишли экани кўзга ташланади. Изланишлар пайтида аксарият ҳужжатлар Кўқон хонлиги архив ҳужжатларига тегишиллари ҳам бор эди. П.И.Иванов

¹⁰ ЎзР МА. И 126-фонд, 2-рўйҳат, 1886-йигма жилд, 29-варақ.

¹¹ ЎзР МА. И 1-фонд, 20-рўйҳат, 6785-йигма жилд.

томонидан 120 га яқин дафтар шаклидаги хужжатлар топилади. Хужжатлар 1822 йилдан 1872 йилга қадар эканлиги аниқланади

Фактик маълумотларга таянган ҳолда Хивадан олиб кетилган хужжатларда орасида Кўқон хонлигига тегишли архив хужжатлари деярли учрамаслиги аниқланди. В.Л.Вяткин – шарқ қўлёзмалари бўйича мутахассис бўлиб, шуни маълум қиласиди, Кўқон хонлигига девон ишлари деярли олиб борилмаган, архив хужжатлари ҳам деярли топилмайди¹². Бироқ В.Л. Вяткиннинг фикри акси ўлароқ ўша даврдаги нашриёт чиқарган матбуот маълумотлари бу фикрни инкор этади. Аммо 1875 йил 7 феврал Кўқонда рус қўшинлари томонидан эгалланиши арафасида хонликда архив хужжатлари дафтар шаклида бўлганлиги, дафтарларда эса бир неча таноб ерни культивация қиласиди маълумот борлиги ва уларнинг кўп қисми ёқиб юборилганлиги маълум.

Кўқон хонлиги архив хужжатлари тақдири масаласига А.А.Семёнов ҳам мурожат қиласиди бўлиб, унинг маълумотлари В.Л. Вяткин маълумотларидан фарқ қиласиди. Маълумотларга қараганда “архив хужжатлари Кўқон хони Худоёрхон кутубхонасида сақланган бўлиб, бойликларни айнан шу хоннинг ўзи 100 аробада узоққа Тошкентга олиб кетган, лекин йўлда Пўлатхоннинг хужумидан сўнг бу бойликларнинг ҳаммаси тортиб олинган¹³”

В.Л. Вяткинни ёзишича, Тошкент шаҳридан олиб кетилган кутубхонадаги шарқ қўлёзмаларини “фон Кауфман Петербургга совфа тариқасида жўнатган¹⁴” Кейинчалик бу қўлёзмалар тарихчи олим П.И. Иванов томонидан 1936 йил Ленинград кутубхонасида топиб ўрганилган.

¹² ЎзР МА. И 399-фонд, 1-рўйхат, 71-йигма жилд, 3-4-вараклар.

¹³ ЎзР МА. И 399-фонд, 1-рўйхат, 71-йигма жилд, 3-варак.

¹⁴ ЎзР МА. И 1-фонд, 20-рўйхат, 6785-йигма жилд, 29-варак.

Бухоро амирлари архив ҳужжатлари борасида маълумот йўқ эди. 1921 йилнинг декабрь ойларида Бухоро амирининг бир кўздан йироқдаги кутилмаган бир ертўладан архив ҳужжатлари топилган. Бу топилган ҳужжатлар ўралган ҳолда тартибсиз сақланган. Кўп ҳоллардаги ушбу ҳужжатлар форс-тожик тилида ёзилганлиги аниқланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда подшоҳ Россияси ҳукумронлиги ўрнатилиб, Тошкентда Туркистон генерал-губернаторлиги ўрнатилиб, девон ишга тушади. Ўлкада маъмурий ва худудий ташкилотлар ўз ишини бошлайди. Туркистонда ўша даврда архив иши яхши ишга қўйилмайди, қўйилган тақдирда ҳам у жуда яхши иш олиб бормайди.

Шундан сўнг Туркистон ўлкасида архив ишлари ва девон ишларини йўлга қўйиш борасида Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман девонлар ҳамда архив ҳужжатлари учун бинолар қуришга буйруқ беради¹⁵.

Туркистон ўлкасидаги архив ишлари жуда аянчли ҳолда бўлган бўлиб, бу борада ўша давр тарихчилардан бўлмиш А.И.Добромыслов шундай дейди: “Маҳаллий архивлар кундан-кунга мавқеи йўқолаётганлиги, генерал-губернатор шаҳардаги девон архив ҳужжатларидағи аҳвол эса бироз яхши” эканлигини такидлайди. Октябрь воқеаларига қадар эса Марказий Осиёдаги қўллётзмалар, архив ҳужжатлари борасидаги маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган¹⁶.

Бунга мисол тариқасида 1895 йил Тошкентда Туркистон археологияси тўгараги ўз ишини бошлаганлиги ва ўша даврнинг бир қанча шарқшунос олимларини ўзига жалб қилганлигни ҳам такидлаш лозим.

¹⁵ ЎзР МА И 1-фонд, 16-рўйҳат, 689-йифма жилд, 2-варак.

¹⁶ ЎзР МА И 126-фонд, 2-рўйҳат, 1883-йифма жилд, 9-варак.

Шуни тақидлаш лозимки, 1865-1917 йилларда Марказий Осиё ҳудудида маҳаллий ҳамда марказий архивларида ва музейларда 3000 мингга яқин шарқ қўлёзмалари топилди. Булар орасида: Муҳаммад Наршахийнинг “Тарихи Бухоро”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, Ғиёсиддин Али Яздийнинг “Темурнинг Ҳиндистонга юришлари” ва шунга ўхшаш қўлёзмлар топилиб ўрганилди¹⁷.

Маълумки, бу пайтда Туркистон миңтақаси XX аср бошларида учта сиёсий бирлик: Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларидан иборат эди. Туркистон генерал-губернаторлиги ёхуд Туркистон ўлкаси Россия империяси таркибиغا кирган бўлса, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россияга қарам бўлган ярим мустақил давлатлар эди

Туркистон генерал-губернаторлигининг умумий майдони XX аср бошларида 1.738.918 км² ни ташкил этган. Аҳоли сони 1897 йилга биринчи Бутунrossия аҳолини рўйхатга олишнинг тўла бўлмаган маълумотларига кўра, 5.280.983 кишидан иборат бўлган. Россия статистик бошқармасининг 1914 йилда тўлмаган маълумотларига кўра, бу кўрсаткич 6.492.692 кишига етган. Туркистон аҳолисининг умумий миқдорида ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар кўпчиликни ташкил этганлар. Уларнинг миқдори 1897 йилда – 4.986.324, 1914 йилда – 5.941.604 кишидан иборат бўлган¹⁸.

Славян аҳолиси (руслар, украинлар, белоруслар)нинг сони 1897 йилда – 197.240, 1914 йилда – 406.607 кишини ташкил этган. Бундан ташқари, Туркистон аҳолисининг этник таркибида бошқа халқлар ҳам мавжуд бўлган. Подшо Россияси Туркистондаги хонликлар

¹⁷ ЎзР МА И 126-фонд, 1-рўйҳат, 1881-йиғма жилд, 1-варак.

¹⁸ ЎзР МА И 126-фонд, 1-рўйҳат, 1015-йиғма жилд, 5-6-варак.

худудининг катта қисмини босиб олгач, табиий ресурсларга нихоятда бой ўлкага эга бўлди. Туркистон ўлкаси област (вилоят), уезд, волост (бўлис), участка ва оқсоқолликларга бўлиниб бошқарилди. Туркистон генерал-губернатори бир вақтнинг ўзида Россия подшоси ноиби (ярим подшо), харбий округ қўшинлари қўмондони, бош прокурор ва бош миршаб эди. У Бухоро амири фаолиятини Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги (1885–1917 йй.), Хива хонини эса Амударё бўлими бошлиғи (1873–1918) орқали назорат қилиб турган. Туркистон ўлкаси Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув (Семиречье), Каспий-орти (Закаспий) вилоятлари ҳамда Амударё бўлимига бўлинган эди. Вилоятлар оқ подшо тайинлаган ҳарбий губернаторлар томонидан бошқарилар эди¹⁹.

Сирдарё вилояти Тошкент, Авлиё ота, Қазали, Перовск, Чимкент; Фарғона вилояти Марғилон, Андижон, Қўқон, Наманган, Ўш; Самарқанд вилояти Жиззах, Каттақўрғон, Хўжанд, Самарқанд; Еттисув вилояти Верний, Жаркент, Копал, Лепсинск, Пишпак, Пржевальск²⁰;

Каспийорти вилояти Ашхобод, Красноводск, Манғишлоқ, Марв, Тажан каби уездларга бўлинган.

Бунгача хонликларнинг ўз маҳаллий бошқарув тизими мавжуд бўлиб, улар сўнгги асрларгача сақланиб қолади. Бухоро амирлигидаги бошқарув аппаратида анъанавий ҳокимият пиллапояси мавжуд бўлиб, унга мувофиқ баҳодир, миrzабоши, жебачи, қоравулбеги, мiroхўр, тўқсабо, ишкорбоши, бий (бек), додхоҳ, парвоначи, девонбеги, оталиқ, қушбеги каби лавозимлар бўлган.

МУҲОКАМА.

¹⁹ ЎзР МА И 18-фонд, 1-рўйхат, 1885-йигма жилд, 102-варак.

²⁰ ЎзР МА И 17-фонд, 1-рўйхат, 1883-йигма жилд, 200-варак.

XX аср бошларида Туркистан үлкасида мустамлакачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган сиёсий-маъмурӣ тизим ҳукм сурган. Россия ҳукумати ўзбек ва бошқа туб халқларга сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар беришни хаёлига ҳам келтирмаган. Россия матбуоти ва илмий асарларида Туркистан үлкаси очиқдан – очик «Россия мустамлакаси» номи билан изоҳланган. Хатто аҳвол шу даражага бориб етганки «Русский Туркестан» («Рус Туркистони») атамасини ишлатиш одат тусига айланди. Шунингдек, туб халқлар, ўзбеклар, қозоқлар деб асл номлари билан эмас, балки «инородец» («бегона зот»), туземец («ерли аҳоли») деб юритилган. Мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий хавфсизлик ва адолатсизлик, бутун жамият аҳолини Россия давлатига қарши кучли мухолифатга айлантириди. Уларнинг орасида туб халқлар юқори табақаларининг илғор вакиллари ҳам бўлиб, озодлик ғоялари борган сари куч – қувватга тўлиб борди. Бу илғор кейинчалик жадидлар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил қилди.

XX аср бошларида Бухоро амирини худуди $225\ 000\ \text{км}^2$ ни ташкил этган. Амирлик худуди бу пайтда 28 та беклик, пойтахт Бухоро атрофлари эса 9 та туман, улар ўз навбатида 125 та амлокдорликка ва 10 000 дан ортиқ оқсоқолликларга бўлинган. Пойтахт атрофидаги туманлар ва Бухоро шаҳрини амир номидан қушбеги – Бош Вазир бошқарган. Бу маъмурӣ бўлинниш фуқарога яхшироқ хизмат қўрсатиш ишини ҳам унчалик қондирмас эди. Бухоро аҳолиси кўп миллатли эди. Уларнинг миқдори тахминан 2–2,5 млн. киши бўлган. Бу ерда ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, бухоро яхудийлари, форслар ва араблар истиқомат қиласи эди. Амирликда аҳолининг кўпчилиги – 1,5 млн. кишини ўзбеклар ташкил этган. Мамлакат аҳолисининг асосий қисми

дехқонлар, чорвадорлар ва шаҳар хунармандлар (косиблар)дан иборат бўлган.

ХУЛОСА.

Ўзбекистон Республикаси Милий архив фондларидағи ҳужжатларда этнографик маълумотларнинг акс этиши масаласини ўрганилган ҳужжатлар таҳлили натижасида қўйидагича хulosаларга келинди.

Ўзбекистон Республикаси Милий архивида сақланаётган ҳужжатлардан мавзуимиз доирасида тадқиқ этилган асосий қисми сўнгти ўрта асрларга, яъни Хива, Бухоро ва Кўқон хонликлари даврига тўғри келади. Ҳужжатлар ўз мазмунига кўра, олди-сотди, солик, вақфнома, ажрим, васиқа, никоҳ, хат-хабар, тилхат, шикоят хати, аризалардан иборатdir.

Архив материаларида, XX аср бошларида Туркистонда ўша давр учун янги маданиятлар яъни бошқа этносларни кириб келиши ҳамда маҳаллий аҳоли билан кейинчалик қоришиб кетиши ҳақида ҳам маълумотлар берилиб ўтилади. Архив ҳужжатларида рус-тузем мактаблари ва бошқа рус тилидаги таълим масканлари фаолияти ҳамда бир пайтнинг ўзида маҳаллий аҳолини асарлар мобайнида таҳсил олган мадрасалар фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

АДАБИЁТЛАР. REFERENCES. ЛИТЕРАТУРА

1. ЎзР МА. И-125 фонд, 2-рўйҳат, 138-йифма жилд, 195 варақ.
2. ЎзР МА. И 125-фонд, 2-рўйҳат, 4-йифма жилд, 29-варап.
3. ЎзР МА. И 126-фонд, 2-рўйҳат, 1885-йифма жилд, 77-варақ.
4. ЎзР МА. И 126-фонд, 2-рўйҳат, 1881-йифма жилд, 1-варақ.
5. ЎзР МА. И 126-фонд, 2-рўйҳат, 1885-йифма жилд, 71-варақ.
6. ЎзР МА. И 125-фонд, 2-рўйҳат, 4-йифма жилд, 29-варақ.
7. ЎзР МА. И 20-фонд, 20-рўйҳат, 6785-йифма жилд, 2-варақ.
8. ЎзР МА. И 1009-фонд, 1-рўйҳат, 67-йифма жилд, 29-варақ.
9. ЎзР МА. И 1-фонд, 20-рўйҳат, 6785-йифма жилд, 29-варақ.
10. ЎзР МА. И 126-фонд, 2-рўйҳат, 1886-йифма жилд, 29-варақ.

11. ЎзР МА. И 1-фонд, 20-рўйҳат, 6785-йиғма жилд
11. ЎзР МА. И 399-фонд, 1-рўйҳат, 71-йиғма жилд, 3-4-варақлар.
12. ЎзР МА. И 399-фонд, 1-рўйҳат, 71-йиғма жилд, 3-варап.
13. ЎзР МА. И 1-фонд, 20-рўйҳат, 6785-йиғма жилд, 29-варап.
14. ЎзР МА И 1-фонд, 16-рўйҳат, 689-йиғма жилд, 2-варап.
15. ЎзР МА И 126-фонд, 2-рўйҳат, 1883-йиғма жилд, 9-варап.
16. ЎзР МА И 126-фонд, 1-рўйҳат, 1015-йиғма жилд, 5-6-варап
17. ЎзР МА И 18-фонд, 1-рўйҳат, 1885-йиғма жилд, 102-варап.
18. ЎзР МА И 17-фонд, 1-рўйҳат, 1883-йиғма жилд, 200-варап